

84 (54) 6

✓

Фаррух Бафоев

УЛГАЙИШ



84 (59) 6

Фаррух Бафоев

---

**УЛҒАЙИШ**  
(Шеңрлар)



Тошкент  
«Tafakkur qanoti»  
2011

12246

ALISHEK NAVOIY NOMID  
Tashkent TAU  
AXBOROT-RESURS MARKAZ

84(5)<sup>Y</sup>)6  
Б36

Бафоев, Фаррух.

Улгайиш: (шөйрлар түплами) /Ф.Бафоев. — Т.: «Tafakkur qanoti», 2011. — 36 б.

ББК 84 (5)<sup>Y</sup>)6

ISBN 978-9943-382-23-7

© «Tafakkur qanoti», 2011.  
© Фаррух Бафоев, 2011 й.

## *Самимият мевалари*

Инсон онадан шоир бўлиб туғилмайди. Ёзувга майл туйғулари уни теварак-атрофни дижкат ила кузатишга ундаиди. Она юртта муҳаббат ҳиссиёти, гуччаларнинг гулга айланиши, мусаффо ҳаво, тип-тиниқ булоқлар, фасллар алмашинуви, япроқлар шивири, кўкламда димоққа хуш ёқадиган куртаклар ҳиди, қушлар парвози — хуллас, ҳаракатдаги нағислик уни нималарни дир ёзишга ундаиди. У кўнгил жумбушларига ҳамоҳанг зайлда қофозу қаламга олино тутинади. Айниқса, илк муҳаббат нозик туйғуларни уйғотиб юбориши ҳам бор гап. Бу эса шоирликнинг ибтидосидир.

Мен ҳар гал ёш шоирларнинг қўләзмаларини ўқисам ўзиmdаги иккиланишларни ёдга оламан. Ўсмирик пайтимда тўлқинланган ҳиссиётларимни эслайман. Ўша даврларда ёзувга унчалик уқувим бўлмаган эса-да, юрагим нурларга тўлиб тургандай бўларди. Қоғозга туширганим — илк жумлалар менин ҳаяжонга солган эди. Бинобарин, ижодкорларнинг аввали шодликка уланиши табиий ҳол.

Фаррух Бафоевнинг “Улғайши” тўпламини ўқиб чиқар эканман, ижодкорда ёзувга иштиёқни сездим. Тўгри, ҳали у йўл бошида турибди. Аммо, битикларидаги қатъият келажагига ишончи уйғотади. Ёш шоир ҳаётни ўзича мушоҳада қиласди. “Бу дунё кимга кенг, кимга эса тор “Ҳаёт деган шуми?” барчада савол” деб ёзаркан, рангин бир турмушни истагандай бўлади.

Айниқса, муҳаббат мавзууда ёзаётганида қалами очилади. Сўзларда ялатироқлик йўқ, ҳис-туйғулари ифодаси самими:

Ўша олис кўчалининг излаб бордим,  
Кулиб боккан деразангни қўзлаб бордим,  
Согинганим ой нурига сўзлаб бордим,  
Нима қиласай севомасам ўзгасини.

Холат тасвири тиниқ чиққан. Образ ҳаракати меъёрида. Энг асосийси, Фаррух бошқа шоирларни такрорламаган. Ушбу битиклар ўқувчини дағъиятан ҳаяжонга солмас балки, аммо, бу айнан Фаррухнинг қаламига тегишлайдир. Ёш шоир илк шеърлариданоқ ўзини топишига интилдими, демак, унинг эртанги кунинг ишонса бўлади. Яна бир шеърида:


Тунда борсам кўчасига,  
Олов бўлиб куяр эдим.  
Нозлар қилиб қийнаса ҳам  
Озорини суяр эдим.

деб ёзади. Умуман, кўп шеърларида Фаррухнинг қалами обдон чархлангани сезилиб туради.

Мен унга муваффақият тилайман. Ифодани янада кучайтирса, ранг ва мусиқа уйғулигига эрзинча борса ундан ажойиб бир шоир чиқади.

*Бадром Рӯзимуҳаммад,  
Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси аъзоси.*

# *Мұқаддас қаломим Ватан*



## **ИЛХОМИМ ВАТАН**

Навоийдан донг таратған адабиётинг,  
Дунё билар “Тиб қонун” инг ҳам тиббиётинг,  
Жабр-у зулм, қарамлиқка етди саботинг,  
Тилимдаги энг мұқаддас қаломим Ватан.  
Юрагимдан қайнаб чиққан илхомим Ватан.

Қадрлидир сенда үтган ҳар он, ҳар дамим,  
Ватангадо, сотқынларга ортар аламим,  
Мен – ўзбекман, ўзгалардан йўқ эрур камим,  
Тилимдаги энг мұқаддас қаломим Ватан.  
Юрагимдан қайнаб чиққан илхомим Ватан.

Сендан узоқ яшаганда қадринг сезилар,  
Аlam билан қалбим ўртар, юрак эзилар,  
Балки буни тушунмаслар мендан бошқалар,  
Тилимдаги энг мұқаддас қаломим Ватан.  
Юрагимдан қайнаб чиққан илхомим Ватан.

Ҳар орзуим, ҳар тилагим сенинг-ла тўкис,  
Шеърларимда жамолингти қиласман кўз-кўз,  
Кундан-кунга муҳаббатим ортажак, шаксиз,  
Тилимдаги энг мұқаддас қаломим Ватан.  
Юрагимдан қайнаб чиққан илхомим Ватан.

## ИНСОН

Кимгадир ўхшашга ҳаракат қилма,  
Фақат инсон бўлсанг баслир, етади.  
Белдан куч, юздан хусн, қўлдан мол-давлат,  
Ишонгин, бир куни албат кетади.

Бекорга демаслар ўткинчи дунё,  
Берилар бир бора буларнинг бари.  
Қачондир, кимгадир қилган ишларинг,  
Қайтади ўзингга- кетмасдан нари.

Кимгадир чоҳ қазсанг, ўзинг тушасан,  
Кўриб кўрмасликка олади дўстинг.  
Қайси бир ночорнинг устидан кулсанг,  
Ундан ҳам кўп бўлар сенинг кам-кўстинг.

Ўзини мақтамоқ нодоннинг иши,  
Қаҳр- газаб, талашмоқ ҳайвонгадир хос.  
Кеккайган, ҳасадгўй, ман-ман юраклар,  
Севиш баҳт эканин билмаслиги рост.

Бу дунё кимга кенг, кимга эса тор,  
“Ҳаёт деган шуми?” барчада савол.  
Бу саволга жавоб топмоқ истасанг,  
Ўзингни ўзгадан излагин бир бор.

Пул, бойлик, мол-давлат, манфаатни деб,  
Захринг сочма отанг, онанг, дўст, ёрга,  
Бошингга ғам-ташвиш, кулфат тушганда,  
Яармиди бойлик сенинг корингга.

Ҳақиқат бўлса-да, аслида аччик,  
Хато ишларингни юрақдан тан ол.  
Инсон бўлиш осон эмасдир гарчи,  
Яшайсан, демак, инсон бўлиб қол!

## УЛГАЙИШ

Шаҳар сукунати юракни эзди,  
Илиқ меҳрингизни соғиндим, она.  
Фарид кўринади сизсиз бу уйлар,  
Бағрингизга қайтгим келмоқда яна.

Кундан-кун дўстлардан кўнглим қолмоқда,  
Гўё атрофимда ҳеч кимса йўқдек.  
Соғиниш кўнглимни такрор эзмоқда,  
Гўё қатлим учун шайланган ўқдек.

Кузнинг хазонлари тортиб ҳаёлим,  
Олис қишлоқ томон келмоқда учтим.  
Бола онларимга қайтгим келмоқда,  
Дунё бор-йўғидан келмоқда кечгим.

Эртакчи бувимнинг эртагин тинглаб,  
Ёвуз бўрилардан қўрқардим бир пайт.  
Энди-чи ҳамроҳим, ажаб, «бўри»лар  
Йўлсизман, не қилай, онажоним, айт?

Ўзимни танимай боряпман ўзим,  
Юргизмоқчи бўлар шайтон йўлига.  
Ҳаёт оқимиға оқмаслик учун,  
Ўзим топширмайман тақдир қўлига.

Дунёни бошқача кўряпман энди,  
Энди бошқа йўлни кўрсатар кўнгил.  
Хиёнатдан асраб, жафодан асраб,  
Дуо қилгин, она, мени дуо қил.

Шаҳар сукунати юракни эзди,  
Илиқ меҳрингизни соғиндим, она.  
Фарид кўринади сизсиз бу уйлар,  
Бағрингизга қайтгим келмоқда яна.

## ОРЗУЛАРИМ

Оқ буулутлар қүчогида бўлгим келар,  
Моҳдек порлаб, тўлин ойдек тўлгим келар,  
Ўксимасдан доим чақнаб, кулгим келар,  
Орзуларим рўёбини бергин, оллоҳ,  
Орзуларим армонларга этма ҳамроҳ.

Юрагимни кемирмагин, мунгли армон,  
Орзуларим баҳт қасрини қилма вайрон,  
Йироқ кетсин пушаймону, алам, исён,  
Орзуларим рўёбини бергин, оллоҳ,  
Орзуларим армонларга этма ҳамроҳ.

Бўлса ҳамки минг бир тўсиқ йўлларимда,  
Синовлар ҳам бўлсин ўнг-у сўлларимда,  
Баҳт қалитин тутай илло қўлларимда,  
Орзуларим рўёбини бергин, оллоҳ,  
Орзуларим армонларга этма ҳамроҳ.

Иродамни синголмайди ҳеч қандай ғам,  
Дўстларим-у яқинларим бўлса ҳамдам.  
Шодлигимга шерик бўлар қофоз, қалам,  
Орзуларим рўёбини бергин, оллоҳ,  
Орзуларим армонларга этма ҳамроҳ.

## ОНА ТИЛИМ

Она сүзин илк бор айтдым сенинг билан,  
Мудом бор бўл, сенинг билан боқий умрим.  
Шеъриятим парвозига қанот бўлгил,  
Танамдаги жоним ўзинг она-тилим.

Кам эмасман ҳеч кимсадан токи сен бор,  
Ижодим ҳам сенинг билан, толмас қўлим.  
Сенинг билан танигайман ўзбегимни,  
Томиримда қонимдирсан, она тилим.

\* \* \*

Эсар шамол, эсар шабада,  
Гул ҳолидан олгани хабар.  
Кезар шамол каби хаёллар,  
Одамларга солгани назар.

Термулади маъюс бу кўзлар,  
Нимагадир ундайди ҳамон.  
Олиб кетар яна хаёллар,  
Чўлпон, Фитрат, Қодирий томон.

Кимларнидир йиглатган шеърлар  
Кимлар учун бўлгандир сабоқ.  
Ким айбсиз, кимлар айбдор,  
Гувоҳ эрур барига оллоҳ.

Эсар шамол, эсар шабада  
Йиллар ўтар шамолдай гарчи,  
Унуглимас ҳеч ҳам, ҳеч қачон,  
Ўзгаларнинг аччиқ қилмиши.

## ДҮНЁ

Баъзилар дунёдан ўтар ёлғиз, тул,  
Кимлардир ўз ҳирси, ўз нафсига қул,  
Кимни дард ёндириб, кимни этар қул,  
Менга вафо қылгин, бевафо дунё.

Кимнидир муҳаббат айлар девона,  
Қондошдан яқиндир баъзи бегона,  
Юз ўгирмас фақат фарзанддан она,  
Менга вафо қылгин, бевафо дунё.

Қиласан кимнидир бир фарзандга зор,  
Кимлардир тақдирдан норизо, безор,  
Ҳаммада ўзига этар гуноҳ бор,  
Менга вафо қылгин, бевафо дунё.

Гуноҳларга жавоб бўлар ҳам балки,  
Умид билан яшар дунёда ҳар ким,  
Бир чимдим меҳрингни аяма, тангirim,  
Менга вафо қылгин, бевафо дунё.

## УСТОЗ

Ҳаётни танидим сенинг сўзинг-ла,  
Хатто шиоримда сўзинг юради.  
Дунёда муқаддас зотлар кўп лекин,  
Илк қаторларда устоз туради.

Она буюклигин билдим сўзинг-ла,  
Сенинг сабоқларинг очди кўзимни.  
Комиллик томонга йўлладинг йўлим,  
Суроқ эта олдим ўзим-ўзимни.

Сенга таъзим қилгум танда борки жон,  
Шогирдлик мақоми мен учун баҳтдир.  
Мен ҳам устоз бўлай токи сенингдек,  
Ниҳол меҳрим энди гўё дараҳтдир.

## ЁШЛИГИМ

Баҳтли оним ўзинг, баҳорим,  
Дилимда жўш урган анҳорим,  
Зиёга бурканган наҳорим,  
Қалбимга файратлар солған ёшлигим,  
Хотиралар бўлиб қолган ёшлигим.

Шамолдайин шўхсан, учиб ўтасан,  
Бўрон каби тезкор қучиб ўтасан,  
Бевафо лоласан, тезда кетасан,  
Қалбимга орзулар солған ёшлигим,  
Серчанг кўчаларда қолган ёшлигим.

Қанийди мен билан бўлсанг доимо,  
Ғам-ташвиш бўлмасди дунёда гўё,  
Умрдек ўтасан, билмайсан вафо,  
Қалбимга орзулар солған ёшлигим!  
Хотиралар бўлиб қолган ёшлигим!

## ТАШЛАБ КЕТМА

Гулзор бўлсанг, мен ҳам битта гулинг бўлай,  
Эркаласанг, завққа тўлиб, доим кулай,  
Ўксинсам гар қалбим тўлиб минг бор йиглай,  
Мени асло ташлаб кетма, эй, ёшлигим.

Осмон бўлсанг, осмонингда юлдуз бўлай,  
Сен йил бўлсанг, ман ҳам битта кундуз бўлай,  
Қўшиқ бўлсанг, юрак жўшиб сени куйлай,  
Мени асло ташлаб кетма, эй, ёшлигим.

Кел, қуёш бўл, тараалгувчи нуринг бўлай,  
Хазинангда жавоҳиринг, дуринг бўлай,  
Умр билан сен орангда сиринг бўлай,  
Мени асло ташлаб кетма, эй, ёшлигим.

## БАҲОР

Бойчечак келтирап ҳамиша қувонч,  
Унади қирларда майин майсалар.  
Юрақда чалинар баҳордек жўшқин,  
Яна бир навозиш, гўзал найчалар.

Мозий томон кетган хотиралар ҳам,  
Келади яна бир эслаб, хотирлаб.  
Келади гўзаллик, орзу тўлқини,  
Яна бир келади туйгулар йўқлаб.

Умидни ерларга қадаган каби,  
Хаёлни чулғайди янги уйғониш.  
Гўзалликка ошно қалблар сингари,  
Баҳор яна, яна келтирап севинч.

# *Васл бүлмагай армон*



## **СЕВОЛМАДИМ**

Дардли юрак дардини ҳеч қўймас экан,  
Мехрга зор, муҳаббатдан тўймас экан,  
Бир бор куйган яна қайтиб куймас экан,  
Нима қиласай севолмадим ўзгасини.

Лайли дея излагандим достонларда,  
Гулим дея ҳайрон излаб бўстонларда,  
Илтижойим кўрмай сени армонларда,  
Нима қиласай севолмадим ўзгасини.

Сенсиз мени бу дунёдан кўнглим бузар,  
Хаёлларим узоқларда бедор кезар,  
Ҳижрон яна учраштирас, кўнглим сезар,  
Нима қиласай севолмадим ўзгасини.

Ўша олис кўчаларинг излаб бордим,  
Кулиб боққан деразантни кўзлаб бордим,  
Софинганим ой нурига сўзлаб бордим,  
Нима қиласай севолмадим ўзгасини.

## ЛÝРИЛИК

Ошиқ юрак сен томон  
Интилар ҳали-ҳамон  
Насиб этса худойим,  
Учрашармиз бегумон.

Күзларингта боқамаи,  
Ёшларинг оқар маржон,  
Юрагим қийналади,  
Қалбимда бор ҳаяжон.

Юрагингда борин айт,  
Йўқса бўлмагай имкон.  
Муҳаббатнинг дардида  
Нега қийналар инсон?

Сукут сақлаб ўзгадан,  
Севгимиз сақлолмадик.  
Севиш ёки айбиди?  
Севгимиз айттолмадик.

Оллоҳ насиб этса гар,  
Васл бўлмагай армон.  
Қор каби пок қалбимиз  
Севгига бўлар макон.

Ошиқ юрак сен томон  
Интилар ҳали ҳамон  
Насиб этса худойим,  
Учрашармиз бегумон.

## **БИЛМАЙМАН**

Мен билмайман, билмайман қачон,  
Севги юрагимни этганин макон.  
Мен билмайман, билмайман қачон,  
Ақтимга юракни этдим ҳукмрон.

Сен қарадинг ўтли нигоҳ-ла,  
Үтирадинг хаёлим шу он.  
Сени излаб ҳар бир нигоҳдан,  
Мен севаман бўлиб саргардон.

Қор ёғмоқда қара, юлдузим,  
Ҳатто қорда сенинг юзинг бор.  
Сени излаб, сени кўрай деб  
Кўқдан тушган балки ўша қор?

Мен билмайман, билмайман қачон,  
Севги юрагимни этибди макон.  
Faflatни келтирдим ўзимга яқин,  
Ақтимга юракни этдим ҳукмрон.

## ШҮХ ҚИЗ

(құшик)

Юрак созим торларидан,  
Битта тори узилди,  
Бир шүх, гүзал қиз дастидан  
Оромларим бузилди.

Күп үтсам-да күчасидан,  
Йўли тушмас йўлимга.  
Оташ лаби ғунчасидан,  
Чўглар солар дилимга.

Кўз узолмай термулсам гар,  
Кулиб боқар кўзимга.  
Кўзи айтгар севишини,  
Ўзи айтмас ўзимга.

Юрак созим торларидан  
Битта тори узилди,  
Бир шүх, гүзал қиз дастидан  
Оромларим бузилди.

## СЕНСИЗЛИК

Қулогимга чақмоқдайин,  
Чалинади ёр-ёр саси,  
Суюклигим менинг эмас,  
Ўзга уйнинг маликаси.

Кўз олдимдан ўта бошлар,  
Илк бор у-ла учрашган чоғ,  
Илк севгимга гувоҳ бўлган,  
Қадрлигим «муҳаббат боғ».

Ўтли, сирли нигоҳи-ла,  
Қарап эди ҳар замонда,  
Тополмасди айтишга сўз,  
Юрак- бағри ҳаяжонда.

Тунда борсам кўчасига,  
Олов бўлиб куяр эдим,  
Нозлар қилиб қийнаса ҳам,  
Озорини суяр эдим...

Бевафодир балки дунё,  
Ё бевафо бандалари.  
Қилмишлари бағрим ўяр,  
Оғу сочар хандалари.

Видолашди охирги бор,  
Бағрим ўйиб, қон йиглади.  
Қизин баҳтиң ўйламаган,  
Ота орин у ўйлади.

Орзуладан олов бўлган,  
Бу қалбимиз ҳазон бўлди.  
Боқий дунё бизга-умид,  
Фоний дунё арzon бўлди.

Чидолмади баҳтсизликқа,  
Бир бор ёнди, түзөп қылды,  
Оқлибосни кийди аммо...  
Еш жонини хазон қылды.

Кемтик фалак, золим фалак!  
Тож бердинг-у тахт бермадинг,  
Бир камлигинг ошкор қылдинг.  
Севги бериб, баҳт бермадинг.

Энди менга тордир дунё,  
Қандай чидай сенсизликка,  
Маънисиздир ҳаёт менга,  
Маҳкумдирман ёлғизликка...  
Маҳкумдирман ёлғизликка...



12246



\* \* \*

Ёз ўтди, саратон қалбни куйдириб  
Куз ҳам келди мана, хазонлар түшаб.  
Сенсиз яшамоққа күзим етмасди,  
Лекин юрибман мен сенсиз ҳам яшаб.

Үшанда яшашдан чекиндим бир он,  
Қасд қылғанлек эди, бу дунё бизга.  
Ажал ҳатто менга этмас илтифот,  
Қондошим бегона, яқинлар ўзга.

Айрилиқ қатлимга қастланди гүё,  
Хиёнат бағримни тиригани рост.  
Она, меҳринг мени омон сақлади,  
Танамни бу дардан айлади халос.

Энди мен ўшаман, одамлар ўша,  
Ўзгариш биљинмас энди негадир.  
Юрак бериб қўйди ўрнин ақлга,  
Энди туйфумга ҳам ақл эгадир.

Ҳаётим ўтмоқда энди оҳиста,  
Аммо қалбим кўймас сенинг номингни.  
Безовта бўлади тунлари юрак,  
Балки сезаётир дил фарёдингни.

Ҳаётим ўтса-да бугун оҳиста,  
Суратинг кетмайди кўзим олдидан,  
Сендан кечиш мумкин, ёлғизим, балки,  
Аммо кечиб бўлмас дил фарёдидан.

Балки ҳаётлигинг мен учун баҳтдир,  
Балки шунинг учун мен ҳаётдирман.  
Балки ўша онлар мен учун таскин,  
Балки унинг учун энди ётдирман.

Ёз ўтди, саратон қалбни куйдириб  
Куз ҳам келди мана, хазонлар түшаб.  
Сенсиз яшамоққа күзим етмасди,  
Лекин юрибман мен сенсиз ҳам яшаб...

## ҚИЗ СЕВГИСИ

Бу дардини айттолмайды ўзгаларга,  
Түшүнмайды балкы уни онаси ҳам,  
Фақатгина орзу билан яшайды у,  
Бүлолмасди бу дардига ҳеч ким малхам.

Шундай дардки, олов эмас, күйдиарди,  
Шундай дардки, яшаш завқин сүйдиарди,  
Юрагини ҳаяжондан қилиб адo,  
Илиқ ҳисни такрор-такрор түйдиарди.

Бунга фақат узун түнлар эди гувоҳ,  
Сирдош қофоз, ёлғиз қалам эди ҳамроҳ,  
Вужуд олов, ақли эса тамом лолдир,  
Фақатгина уйғоқ юрган юрак огоҳ.

Бу дардини айттолмайды ўзгаларга,  
Иффат түсиқ – чиқармайды сүзларини,  
Фақатгина хаёл билан яшайды у,  
Мұхаббатга макон этиб күзларини.

## ҚИЗЛАР

Диллар ўртанади күзларингиздан,  
Табассум ёғилар юzlарингиздан,  
Меҳрингиз билинар сўзларингиздан,  
Кўнгиллар ўртанар, ёнади кўзлар,  
Дардларга даво ҳар сўзингиз, қизлар.

Ибо, кўркингизга кўрк қўшиб безар,  
Чут эмас сизларга, ҳар касб-у хунар,  
Бирингиз шоира, бирингиз чевар,  
Ҳар ишда моҳира якто юлдузлар,  
Элимнинг гавҳари ўзингиз, қизлар,

Сувдаги парисиз, кўкдаги малак,  
Ошиқлар сизни деб интизор, ҳалак.  
Ишонинг, севгингиз барчага керак,  
Кўёш-у ой бўлинг кеча-кундузлар,  
Кўнгилга нур тутсин кўзингиз, қизлар.

# *Одамларға мадад бұлайлық*



## **ОСОН ЭМАС**

Бу дунёда яшамоқ ҳам осон эмас,  
Мададкоринг, сүянчигинг бұлмаса гар.  
Хатто дунё зимиңстонга айланади,  
Хасадңұлар ҳәётингітін солса заһар.

Бу дунёда яшамоқ ҳам осон эмас,  
Синовлари синар әкан келіганда гал.  
Гүё сендан бахтсиз одам топилмайды,  
Яқынларинг сени имлаб кулған маҳал.

Бу дунёда яшамоқ ҳам осон эмас,  
Мол-у давлат баҳтингга ҳеч аро кирмас ,  
Ночор бұлсанг, ҳеч ким ҳолинг сұрамайды,  
Писанд қымас, назарита сира илмас.

Бу дунёда яшамоқ ҳам осон эмас,  
Яшашиңдан мақсадингни билмасант гар.  
Бу дунёда яшамоқ ҳам осон бұлар,  
Яшамоқни шу ҳолатда севсанг агар.

## ШОИР АКАМ

(Мұхаммад Йосуф хотирасыга)

Ортингиздан қақшаб қолди хүл Андижон,  
 Ёр-у дўстлар, мухлислариз йиглар гирён,  
 Дийдор бўлди юракларга минг бир армон,  
 Бу кенг дунё сизга торлик қилдимикан,  
 Юлдуз бўлиб эрта сўнган шоир акам.

Шоир деган асли шундай бўлар экан,  
 Халқ дардини, шодлигини куйлар экан,  
 Ўзинимас, ўзгаларни ўйлар экан,  
 Бу кенг дунё сизга торлик қилдимикан,  
 Юлдуз бўлиб эрта сўнган шоир акам.

Орамизда йўқлигингиз қилас алам,  
 Шеърларингиз ўқиганда кўзларда нам,  
 Орамиздан олиб кетди сизни қай фам?  
 Бу кенг дунё сизга торлик қилдимикан,  
 Юлдуз бўлиб эрта сўнган шоир акам.

“Райҳон ҳиди” йўллар пойлаб ларzon бўлди,  
 “Ой чиққан”да ёриз излаб сарсон бўлди,  
 Куз келмасдан нега фунча хазон бўлди?  
 Бу кенг дунё сизга торлик қилдимикан,  
 Юлдуз бўлиб эрта сўнган шоир акам.

## УМР – ОҚАР ДАРЁ ДЕРЛАР

Күрмаганинг күрдиради,  
Билмаганинг билдиради,  
Хатто жондан түйлиради,  
Умр – оқар дарё дерлар.

Йигит эдинг, чол бұласан,  
Хор қылсанғ гар, хор бұласан,  
Бир чақага зор бұласан,  
Умр – оқар дарё дерлар.

Камбағални бой қиласади,  
Чашмани ҳам сой қиласади,  
Ойни түлин ой қиласади,  
Умр – оқар дарё дерлар.

Баҳосиздир умр йұли,  
Тиканлидир умр гули,  
Бұлғин мудом виждон қули,  
Умр – оқар дарё дерлар.

\* \* \*

Ночорларга агар беролсанг ёрдам,  
 Шириң сүз-ла бўлсанг дардига малҳам,  
 Одамнинг кунига ярайди одам,  
 Охири қолади сендан битта ном,  
 Яхши ёки ёмон фақат бир калом.

Буни билиб дерлар ўткинчи дунё,  
 Хеч кимга мол-давлат қилмаган вафо,  
 Ҳамманинг бошида бордир бу савдо,  
 Қоларкан инсондан фақат битта ном,  
 Яхши ёки ёмон фақат бир калом.

### НЕГА?

Нега қайгуларга шериқдир алам?  
 Нега ёмонликлар топмайди барҳам?  
 Нега бу дунёни дерлар бевафо?  
 Очун ҳар инсонга қиласми жафо?

Нега икки қалбни севдирап севги?  
 Лек васл тополмай куйдирап севги,  
 Ўзи-ку ҳаётбахш, барҳаёт туйfy,  
 Баъзидага ӯштайди севги?

Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам келади такрор,  
 Нега устун турар номус билан ор?  
 Ҳақиқатни изла ӯзингдан, дўстим,  
 Нега? Нега? Нега? Саволлар бисёр!



## ХАЁТ ЗАЙЛИ

Үтиб борар ҳаёт шу зайл,  
Кимларнингдир кўзларида ёш.  
Оқиб борар умр дарёси,  
Яна чиқар ўша ой, қуёш.

Кимларнингдир ҳаёти тугар,  
Зулмат бўлар кимгадир осмон.  
Илакишар кимгадир алам,  
Яна кимни қийнайди армон.

Кимнинг қалбин айрилиқ тирнар,  
Пайдо бўлар осмонда юлдуз.  
Кимларнидир муҳаббат қийнар,  
Шундай ўтар яна бир кундуз.

Нур таралар яна қуёшдан,  
Ер-зулматни нурафшон этар.  
Кулиб боқар кимгадир омад,  
Илтижоси оллоҳга етар.

Үтиб борар ҳаёт шу зайл,  
Ҳатто сенга ўлчоғлик таом.  
Умр — дарё, тўйиб-тўйиб ич,  
Бироқ қолдир фақат эзгу ном.

## АЁЛГА ЭХТИРОМ

Фарзанд учун жон күйдирар нечалар,  
 Тунлар бедор азоб чекар нечалар,  
 Қалби – қүёш, меҳри – уммон бунчалар,  
 Жонинг фидо қылсанг арзир шунчалар,  
 У меҳрибон, садоқатли аёлдир,  
 Адоғига етиб бўлмас хаёлдир.

Дунёларга алишмасман ўзини,  
 Күёшларга алишмасман кўзини,  
 Фарзанд бўлсанг, икки қилма сўзини,  
 Оқдай билгин оқ сутин ҳам тузини,  
 У меҳрибон, садоқатли аёлдир,  
 Адоғига етиб бўлмас хаёлдир.

Таърифласанг сўзлар келар пайваста,  
 Пойларида гул унар даста-даста,  
 Гар бўлмаса ҳаёт тўхтаб қолади,  
 Юрмасин-эй у ҳеч қачон шикаста,  
 Чунки мушфиқ, хокисордир, аёлдир,  
 Адоғига етиб бўлмас хаёлдир.

Агар тақдир солса минг бир азобга,  
 Чидар ҳатто тушса ўтга, оловга,  
 Ундан нима ўтган ҳеч ким билмайди,  
 Таскин сўраб дардин айтар биронга,  
 У сабрли, қаноатли аёлдир,  
 Адоғига етиб бўлмас хаёлдир.

Басталасанг қалбинг создир куйига,  
 Хурсанд бўлар меҳмон келса уйига,  
 Раво кўрмас ҳеч кимга ўшур қисматни  
 Сиз ҳам қаранг, шу аёлнинг райига.  
 У сабрли, қаноатли аёлдир,  
 Адоғига етиб бўлмас хаёлдир.

## МАДАД БҮЛАЙЛИК

Дунё ичра дунё дард-у алам күрган,  
 Қон ииғлаган, дили минг бир ситам күрган,  
 Орзулари худди түшдек сароб бүлган,  
 Күнгли кемтик одамларга мадад бүлайлик,  
 Мехр ила муҳаббатта пайванд бүлайлик.

Чидаб юрган бу дунёнинг синовига,  
 Дуо ила сажда қылган паноҳига,  
 Минг илтижо қылган зарра гуноҳига,  
 Күнгли кемтик одамларга мадад бүлайлик,  
 Мехр ила муҳаббатта пайванд бүлайлик.

Хаёллари осмондан ҳам узоқ бүлган,  
 Душманлари йўлларида ҳамроҳ бүлган,  
 Сиздай, биздай одамларга сабоқ бүлган,  
 Күнгли кемтик одамларга мадад бүлайлик,  
 Мехр ила муҳаббатта пайванд бүлайлик.

## ЯНГИ ЙИЛ

Инсонлар қалбидаги ўзгача шукух,  
 Умид кучаяди эрганги кунга.  
 Янги йил нафаси, байрамнинг кўрки,  
 Қордаги гурур-ла кирап кўнгилга.

Бир-бирига эзгу тилак билдириб,  
 Қадаҳ кўтаради ёр-дўст, ошнолар,  
 Тўлиб кетар бирдан оила бағри,  
 Йўқлаб келар ҳатто хеш-ақраболар.

## ТИЛАК

Фам ва ташвиш йўламасин йўлингизга,  
Яхшиларнинг қўли тегсин қўлингизга,  
Қайгу-алам ҳеч инмасин дилингизга,  
Уйингизни тарк этмасин тўй-у ҳашам.

Кўзингиздан ҳеч оқмасин кўз ёшингиз,  
Тугамасин сира сабр-бардошингиз,  
Порлаб турсин бахт ва шодлик қуёшингиз,  
Уйингизни тарк этмасин тўй-у ҳашам.

Яхшилик-ла йўл кўрсатинг ёмонларга,  
Барингизни тутқизмангиз армонларга,  
Барҳам беринг дилда шубҳа-гумонларга,  
Уйингизни тарк этмасин тўй-у ҳашам.

Орзуларга макон айланг уйингизни,  
Яхшиликка йўйинг ҳар бир ўйингизни,  
Шодон чалинг ҳаёт деган куйингизни,  
Уйингизни тарк этмасин тўй-у ҳашам.

\* \* \*

Умрим бир ниҳолдир, бўй чўзмоқда жим.  
Хатолар устимдан урап қаҳқаҳа.  
Кўз ёшлар кўзимдан оқиб тушар жим,  
Хатолар баҳтимга, солади рахна.

Лаҳза чопаётир ортга қарамай,  
Масурлик сувидан ичаман қониб.  
Дунёга қучогим очаман энди  
Кулиб яшагайман, яшайман ёниб.

## АДАШГАН ҚИЗ

Сен ҳам ахир бир инсонга бола эдинг,  
 Бүйга етиб очилдинг-у лола бүлдинг,  
 Алдандингми ё ҳавойи ҳирсга учеб,  
 Очилмасдан хазон бүлдинг, гулдай сүлдинг,  
 Орзулари осмонларга бүй тутган қиз,  
 Ота-она ишончини унугтан қиз.

Энди сени рақибларинг имлаб кулар,  
 Энди сени “кимлигингни” ҳамма билар,  
 Уят, номус, шармандалик бағринг тилар,  
 Аёл бүлмай аёлликка отилган қиз,  
 Ҳой-у ҳавас, мол-давлатга сотилган қиз.

Энди сенга чин чимилдиқ бегонадир,  
 Энди сенга мунгли армон дугонадир,  
 Тунлар ҳасрат ётоғинта парвонадир,  
 Нозик баҳтин күзгусига тош отган қиз,  
 Бугун баҳтин ўз құли-ла ушатган қиз.

Бахт топасан кемтик бұлар, лекин баҳтинг,  
 Тана-дашном емиради олтин таҳтинг,  
 Камолингта болта урап қылған аҳдинг,  
 Баҳтим дея баҳтсизликка юз тутган қиз,  
 Қызылк ори, иффатини унугтан қиз,

Билмасмидинг берилишин бир бор имкон,  
 Мардга марддир, номардларга номард замон,  
 Тавба қылгин бүлмасингдан буткул хазон,  
 Хилватларда тубанликка юз тутган қиз,  
 Келажагин не бўлишини унугтан қиз.

## БЕВА АЁЛ

Тунда құйса болишиларга бош,  
Күзларидан қалқиб тушар ёш,  
Ёлғизликка беролмай бардош,  
Үксіб-үксіб үйгіларди аёл.

Ташлаб кетди ўзга оламга,  
Севган ёри, умр йўлдоши,  
Бундай азоб, бундай кулфатга,  
Етди ҳатто унинг бардоши.

Ор-номуси, шаънини дея,  
Тутолмасди эркин ўзини,  
Бирордан кам бўлмасин дея  
Ўйлар эди ўғил-қизини.

Бахтдан кемтик, ишқа бегона,  
Тунларини тонгга уларди.  
Ҳам ота, ҳам она бўлибон,  
Фарзандларин бошин силарди.

Ўзгасига беролмас кўнгил,  
Кўнгли битта ёрни кумсайди.  
Садоқатта бош урган қалби,  
Топиб бер деб бот-бот қўймайди.

Шундай қилиб бева аёлнинг  
Тақдир оғу солди ошига.  
Илтижойим, бундай бахтсизлик  
Тушмасин ҳеч аёл бошига.

## АГАР

Құна бошлар сочингга қиғас,  
Қизиқмайды ҳолингта бирор,  
Муз туолар ҳаттоқи олов,  
Агар ҳаёт бүлмаса онанг.

Илашади юрагингта ғам,  
Кетмас бұлар күзларингдан нам,  
Бүлмас ҳатто күнглинг хотиржам,  
Агар ҳаёт бүлмаса онанг.

Күрсатади ёлғизлик күчин,  
Пушаймонлар олади үчин,  
Йүқтәді юрак қувончин,  
Агар ҳаёт бүлмаса онанг.

Ҳар сүзингни бир-бир ўйлайсан,  
Сиртда қулиб, ичда йиғлайсан,  
Сүзларини бот-бот қумсайсан,  
Агар ҳаёт бүлмаса онанг.

Үз-үзингта берасан сүрок,  
Қайси ишинг бүлғанди гунох,  
Юрагингда пайдо бүлар доғ,  
Агар ҳаёт бүлмаса онанг.

Бүшаб қолар уйингнинг түри,  
Файзсиз бўлиб кўринар сўри,  
Дилинг ўртаб билинар ўрни,  
Агар ҳаёт бүлмаса онанг.

Яқинларинг қазисалар чоҳ,  
Моҳлигини унугиди моҳ,  
Кечикканинг сезасан ногоҳ,  
Агар ҳаёт бүлмаса онанг.

Үдек ҳеч ким етмас қадрингга,  
Дилдан шерик бўлмас дардингга,  
Оллоҳ сабр қўйсин сабрингга,  
Агар ҳаёт бўлмаса онанг.

Шукр қилгин борда борига,  
Ярай олгин ҳар бир корига,  
Сўнг бўлмагин меҳр зорига,  
Агар ҳаёт бўлмаса онанг.

## ДЕРЛАР

Азоб билан роҳат ораси,  
Дерлар асли эрур бир қадам.  
Шу бир қадам манзил ичинда,  
Йўқотмагин ўзингни, одам.

Қийинчилик, азобдан қочиб,  
Осон йўлни таълама ҳаргиз.  
Тикансиз гул бўлмас, бўлмаган,  
Бу ҳаётнинг қонуни, шаксиз.

Ҳар нега ҳам қурбонлик даркор,  
Ҳар нега ҳам сарфланади вақт.  
Ҳар ишга шарт чин дилдан меҳнат,  
Ва, албатта, қатъият, тоқат.

Ёзилмаган асли бу қонун,  
Ҳар инсон ҳам чекади азоб.  
Изламагин ҳар ердан роҳат,  
Ҳаёт ўзи тутажак шароб.

Азоб билан роҳат ораси,  
Дўстлар, шундан дерлар бир қадам.  
Осон йўлдан юраман деб лек,  
Йўқотмагин ўзингни, одам.

## ЕТИМ ҚИЗ НОЛАСИ

Энди менга ҳатто баҳор бегонадир,  
 Энди менга армон, ҳасрат дутонадир,  
 Энди менинг күнгил уйим вайронадир,  
 Соғинганда изинг қайдан топай, ота!  
 Сендеқ азиз топарманми айтгин яна?!

Уйим түри бүшаб қолган ғамхонадек,  
 Ҳаёлларим парищондир девонадек,  
 Вужудимга ғаму андуҳ парвонадек,  
 Бўлиб қолдим бир девона, жоним ота!  
 Ўзгаларга ғамларимни айта-айта.

Энди сени ҳазонлардан излайми, айт?  
 Туман чўккан мозорлардан излайми, айт?  
 “Қизим!” дея бир бор айтгин, ортингга қайт!  
 Айтгин, изинг қайдан топай, жоним ота!  
 Пойларингни кўзга суртай, жоним ота!

Кулдириб ва кулиб юрсанг бўлмасмиди?  
 Қора ернинг қучоқлари тўлмасмиди?  
 Яқинларинг фарёд чекиб кўймасмиди?  
 Соғинч мени бағрим тилар, жоним ота!  
 Нима қилай кўргим келса, жоним ота!

Бахтим кўрсанг, балки, армон оз бўларди,  
 Вужудимда қаҳратонмас, ёз бўларди!  
 Омон юрсанг, омон бўлсанг, соз бўларди,  
 Соғинч мени бағрим тилар, жоним ота!  
 Нима қилай кўргим келса, жоним ота!

Ёр-ёр билан буркансам гар ифорларга,  
 Сенсиз ғарип уйим тўлса дўст-ёрларга,  
 Ярим кўнглим чандон ботар озорларга,  
 Шунда қизинг кўнгли ярим, жоним ота!  
 Етим қизинг бахти ярим, жоним ота!

## МЕН КЕТДИМ

Мен кетдим қарамай, оргимдан  
Күз ёшинг эргашди саросар.  
Күй, эркам, йиғлама бу учун,  
Уларга бұлмагин баробар.

Ортимдан кузатма, йиғлаб жим,  
Дардингни яширгин, шеърларга.  
Сабога айланиб қайтарман,  
Күз ёшинг күрсатма уларга.

Азобдан киймагин ҳеч лиbos,  
Хәёлим күчкөлаб ухлагин.  
Сабрдан дардингга қүй малҳам.  
Софиссанг-тушингда йўқлагин.

Ҳижронни назарга илмасдан,  
Ёриб кир, жўшқинлик бағрига.  
Висол учун умид боғлагин,  
Мени кўм юрагинг қаърига.

Қалбингга яширгин суратим,  
Садоқатдан лиbosлар кийдир.  
Йиғлама «бешафқат дунё» деб,  
Севигига хос тўғри йўл шудир...

## МУНДАРИЖА

Самимият мевалари. <i>Баҳром Рұзимуҳаммад</i> .....	3
<b>Муқаддас қаломим Ватан</b>	
Илхомим Ватан.....	4
Инсон.....	5
Улғайиши.....	6
Орзуларим.....	7
Она тилим.....	8
«Эсар шамол, эсар шабада...».....	8
Дунё.....	9
Устоз.....	10
Ёшылигим.....	10
Ташлаб кетма.....	11
Баҳор.....	11
<b>Васл бұлмагай армон</b>	
Севолмадим.....	12
Айрилиқ.....	13
Билмайман.....	14
Шүх қызы.....	15
Сенсизлик.....	16
«Ез үтди, саратон қалбни күйдириб...».....	18
Киз севгиси.....	19
Кизлар.....	20
<b>Одамларга мадад бұлайлык</b>	
Осон эмас.....	21
Шеир акам ( <i>Мұхаммад Юсуф хотирасига</i> ).....	22
Умр – оқар дарё дерлар.....	23
«Ночорларга агар беролсанг ёрдам...».....	24
Нега?.....	24
Хаёт зайлі.....	25
Аёлта эхтиром.....	26
Мадад бұлайлык.....	27
Яңги йил.....	27
Тилак.....	28
«Умрим бир ниҳолдир, буй чұзмоқда жим...».....	28
Адашған қыз.....	29
Бева аёл.....	30
Агар.....	31
Дерлар.....	32
Етим қызы ноласи.....	33
Мен кетдим.....	34

**Фаррух Бафоев**

**УЛГАЙИШ**  
*(Шеърлар)*

Муҳаррир *Абдураҳмон Ақбар*  
Дизайнер *Хасан Сафаралиев*

Нашр лицензия АI № 168. 23.12.2009 й.  
Босишга рухсат этилди 02.11.2011 й. Бичими 60x84/16  
TimesUz гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Шартли б. т. 2,25. Ҳисоб нашриёт т. 2. Адади 300 нусха.  
Буюртма № 3/11

**«Tafakkur qanoti» нашриёти.**  
Тошкент, 1-тор, Мирсолихова қўча, 13-уй  
*Нашриёт манзили:* Тошкент, Навоий қўчаси, 30-уй.  
Тел.: (+99897) 448-64-20, (+99890) 945-50-87

«Tafakkur qanoti» МЧЖ матбаа бўлимида  
чоп этилди. Тошкент, Навоий қўчаси, 30-уй.



Фаррух Бафоев  
1990 йил Бухоро вилояти  
Шофиркон туманида  
туғилған. 2009 йил  
Шофиркон Иқтисодиёт  
колледжини тугатған.  
Хозирда Мирзо  
Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий  
Университетининг  
II-босқич талабаси.  
Унинг ижод намуналари  
матбуот ва бир қатор  
баёзларда эълон  
қилинган. Фаррух  
«ЎзМУ стипендияси»  
соҳиби.

«TAFAKKUR QANOTI»

ISBN 978-9943-382-23-7

9 789943 382237